



ДЕРМАТИТЛАРГА САБАБЧИ БҮЛИВЧИ БАКТЕРИЯЛАР ВА УЛАРНИ АНТИБИОТИКЛАРГА СЕЗГИРЛИГИ

Хайитов Сафарали Махаммадиевич
Самарқанд давлат тиббиёт университети талабаси

Шодмонов Диёрбек Обид ўғли
Самарқанд давлат тиббиёт университети талабаси

Шайқулов Ҳамза Шодиевич
Самарқанд давлат тиббиёт университети (илмий раҳбар)

Аннотация. Теридағи йирингли яллигланишиларини қўзгатувчи инфекциялар турличадир. Уларни даволашида қўлланилаётган антибиотикларга микроблар чидамли бўлиб қолмоқда. Ушбу ишида касалланган 621 нафар беморлардан ажратиб олинган бактерияларнинг антибиотикларга нисбатан сезирлиги ёритилган.

Калим сўзлар: Йиринг, яллигланиши, антибиотик, *Staphylococcus*, *Streptococcus*, *Escherichia*, *Saccharomyces*, акне, экзема, пёдерма, фолликулит, фурункул, стрептодермая.

Кириш.

Бугунги кунда сайёрамизда қарийиб 100 000 турдаги бактериялар яшаши маълум. Мутахассисларнинг маҳсус ҳисоб-китобларга кўра, бир кишининг танасида доимий равища 10^{16} - 10^{17} миқдордаги турлича микроорганизмларнинг ҳужайралари яшайди ва сайёрамизнинг бутун аҳолисида 10^{24} дан ортиқ бактериялар яшаши ҳақида ишончли маълумотлар бор. Одам танасида тахминан 10^{14} ҳужайра мавжудлигини инобатга олсан, унда барча ҳужайраларнинг атиги 43 фоизи аслида ўзимизнинг ҳужайраларимиз – одам ҳужайралари қолган катта қисми эса турли – туман микроорганизмлар – микроскопик колонизаторлардир.

Амалий тиббиётда, хусусан жарроҳлик амалиётида асосан макроорганизм ва шартли - патоген (оппортунистик) микрофлораларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқадиган инфекциялар энг кенг тарқалган [5].

Жарроҳлик инфекциялари қўйидаги бир неча хилдаги мезонларга қўра таснифланади:

- касаллик қўзгатувчисининг тури;
- инфекция учоғидаги патогенларнинг турлари миқдори;
- клиник ривожланиши (кечиши);
- организмда тарқалиш даражаси (маҳаллий, умумий);
- жойлашган жойи.



Жарроҳлик инфекциялари таркибидаги энг кенг тарқалган қўзғатувчилар қуидаги микроорганизмларни ўз ичига олади [7,10]:

- грамм мусбат (+) аероб ва факултатив анаэроб кокклар: *Staphylococcus*, *Streptococcus*, *Enterococcus*;
- грамм манфий (-) факултатив анаэроб таёқчалар: *Enterobactericeae* оиласининг бактериялари: *Escherichia*, *Klebsiella*, *Proteus*, *Enterobacter*, *Citrobacter*
- ферментламайдиган грамм манфий (-) аэроп таёқчалар ва коккобактериялар: *Pseudomonas*, *Acinetobacter*;
- грамм мусбат (+) аероб ва факултатив анаэроб таёқчалар: *Lactobacillus*;
- грамм манфий (-) анаэроб бактериялар: *Bacteroides*, *Fusobacterium*, *Veillonella*;
- грамм мусбат (+) анаэроб кокклар: *Peptostreptococcus*, *Peptococcus*;
- грамм мусбат (+) анаэроб бактериялар: *Clostridium*.

Амалий тиббиётда турлича таъсир доирасига ва таъсир механизмига эга антибиотикларнинг кенг қўлланилиши туфайли жарроҳлик инфекциясининг асосий қўзғатувчиси кўпчилик антибактериал воситаларга чидамлилиги янада ортиб бормоқда [2]. Бу ҳолат жарроҳлик инфекциялари муаммосини ечимини топишга, беморларни антибиотиклар ёрдамида самарали даволаш учун турли мутахассисликлар - жарроҳлар, клиник микробиологияси мутахассислари, кимётерапия, эпидемиология ва бошқа мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиикда янада чуқурроқ ўрганишни, янги усусларини излашга ва мавжуд усусларни такомиллаштириш зарурлигини талаб этади [1,11].

Теридаги йирингли яллиғланиш касалликлари одамлардаги патологиялар жиҳатидан муҳим ўрин тутади ва кўпинча узоқ давом этувчи, чўзилган шаклдаги инфекциялар ҳисобланади. Шу муносабат билан, уларнинг микробиологик этиологияси ва патогенларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш зарурати долзарб бўлиб қолади.

Тадқиқотнинг мақсади.

Теридаги йирингли яллиғланишларга сабабчи бўлувчи қўзғатувчиларнинг турларини ва уларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш

Материаллар ва усувлар.

Бунинг учун 2023 йил баҳор ва ёз мавсумларида ҳар хил тери йирингли яллиғланишлари билан жарроҳлик бўлимидаги даволанаётган 621 нафар bemorлар кузатилди.




Текширилаётган ашё - йириング қонли, гүшт-пептонли агарга Дригалский усулида экилиб ўстирилди ва соф култураларалар ажратилди. Ажратилган бактерияларнинг 10 турдаги антибиотикларга (гентамитсин, эритромитсин, хлорамфеникол, полимиксин, тетратсиликлин, сефазолин, оксатсиликлин, бензилпенитсиликлин, докситсиликлин ва ампитсиликлин) нисбатан сезгирилиги стандарт қоғоз дисклар ёрдамида диск-диффузия усулида аниқланди.

Тадқиқот натижалари.

Олинган натижаларда баҳор ва ёз мавсумларида тери йирингли яллиғланишлари билан мурожат этган bemорларнинг касалликлар тури бўйича таҳлилида 314 нафари сурункали абцесланувчи акне, 111 нафари сурункали, такрорланувчи (СТ) бактериал экзема, 105 нафари сурункали, такрорланувчи (СТ) пёдерма, 26 нафари сурункали, такрорланувчи фолликулит, 22 нафари сурункали, такрорланувчи (СТ) фурункулоз, 20 нафари Дюринг дерматити ва 12 нафардан стрептодермая, 11 нафар экссудатив экзема билан касалланган bemорлар эканлиги кузатилди.

1-расм

Терининг йирингли яллиғланишларида касаллик турларининг хиссаси (%)




Теридаги йирингли яллиғланишларни чақирган қўзғатувчиларнинг соф култураларини ажратиб идентификатсия қилинганач уларнинг турлари бўйича таҳлил қилинганда, *Staphylococcus*, *Streptococcus*, *Escherichia*, *Saccharomyces* ва бошқа турдаги қўзғатувчилар йирингли яллиғланиш ривожланган учоғларидан топилди, аммо *Staphylococcus* доминант бўлиб чиқди, улар 361 (58,1%) bemорда монокултура тарзда ва бошқа 150 (24,2%) bemорда бошқа микроорганизмлар билан ассотсиатсияда учради. Терида сурункали йирингли яллиғланишлар билан касалланган жами 511 нафар bemорда (82,3%) этиопатогенезда патогенлик белгилари яққол намоён бўлган, ва қўплаб



антибиотикларга чидамлилиги ортган стафилококклар асосий қўзғатувчи эканлиги аниқланди.

2-расм


Тери йирингли яллиғланишларидан ажратилган қўзғатувчиларнинг турлари ҳиссаси (%)



Ўрганилган антибиотиклардан йирингнинг умумий микрофлорасига самаралироқ таъсир кўрсатганлари: гентамитсин, оксатсилин ва докситсиликлин каби антибиотиклар бўлиб, мос равишда кузатувдаги bemorlarning 38 нафари (61%), 36 нафари (60%) ва 31 нафари (50%) да яхши натижа юқори сезгирикни кўрсатди. Қолган 7 турдаги антибиотикларнинг аксариятига нисбатан йирингли микрофлора чидамлилик номоён этди. Улардан фақат эритромитсин ва тетратсиликлин 21 ва 18% ҳолларда антибактериал фаоллигини сақлаб қолганлиги кузатилди. 5 турдаги антибиотикларга нисбатан бундай фаоллик 8-12% ҳоллардагина қайд этилди.

3-расм

Тери йирингли яллиғланишларидан ажратилган қўзғатувчиларнинг антибиотикларга муносабати (%)





Хуносабати бўйича тахлилида қуидагилар аниқланди:

Шундай қилиб, олинган натижаларда баҳор ва ёз мавсумларида тери йирингли яллиғланишлари билан мурожат этган беморларнинг касаллик турлари, патоген бактерияларнинг ажралиши ва уларни антибиотикларга муносабати бўйича тахлилида қуидагилар аниқланди:

1. Баҳор ва ёз мавсумларида тери йирингли яллиғланишлари билан мурожат этган беморларнинг катта қисмини сурункали абсессланувчи акне, СТ бактериал экзема, СТ пёдерма касалликлари ташкил этди;
2. Теридаги йирингли яллиғланишларда энг кўп ажралувчи қўзғатувчилар *Staphylococcus*, *Streptococcus* ва *Escherichia* оиласига мансуб бактериялар эканлиги кузатилди;
3. Тери йирингли яллиғланишларида учрайдиган патоген бактерияларга гентамитсин, оксатсилин ва докситсикин каби антибиотиклар самарали таъсир кўрсатиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kayumov, U. K., Matmuratova, S. O., Khatamova, D. T., & Saipova, M. L. (2023). Metabolic Syndrome in Women of Childbearing Age State of the Main Components. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 4(5), 959-963.
2. Юсупова, М. А., Исмаилова, Д. У., & Матмуратова, С. О. (2017). Алгоритм ведения беременных с патологией шейки матки. Интерактивная наука, (12), 84-88.
3. Назарова, М., & Адилбекова, Д. (2022). МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПЕЧЕНИ МАТЕРИ И ПОТОМСТВА, В УСЛОВИЯХ ХРОНИЧЕСКОГО ТОКСИЧЕСКОГО ГЕПАТИТА. Евразийский журнал академических исследований, 2(12), 479-484.
4. Bobomuratov, T. A., Yusupova, U. U., & Djumaniyazova, G. M. (2021). Features of Clinical Course and Immune Regulation of the Hemostatic System in Children with Acute Bronchopulmonary Diseases with Various Ecological Residence Conditions. European Journal of Research Development and Sustainability, 2(5), 77-81.